

Ёд олиш дуоси



22:47 / 16.05.2017 16089

4680. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик, бирдан Али келиб:

«Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Қуръон менинг кўксимдан чиқиб кетмоқда. Уни (ёдлашга) қодир бўла олмаяпман», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абул Ҳасан! Сенга Аллоҳ улар ила манфаат берадиган ва сен ўргатганларга ҳам манфаат берадиган ҳамда ўрганган нарсангни кўксингда собит қиладиган калималарни ўргатиб қўяйми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули! Менга ўргатинг», деди.

«Қачон Жумъа кечаси бўлганда, агар кечанинг охиригидан биринчи туришга қодир бўлсанг, албатта, у шоҳид бўлинган соатдир. Унда дуо ижобат бўладир. Биродарим Яъқуб ўз ўғилларига «Сизлар учун Роббимдан истиғфор сўрарман», деган. У буни Жумъа кечасини келишини (кўзлаб) айтган.

Агар қодир бўлмасанг, унинг ўртасида тур. Агар бунга ҳам қодир бўлмасанг, аввалида тур. Тўрт рақъат намоз ўқи. Биринчи рақъатда «Фотиҳа» билан «Ясин» сурасини ўқи. Иккинчи рақъатда «Фотиҳа» билан «Ҳаа мийм» - «Духон» сурасини ўқи. Учинчи рақъатда

«Фотиҳа» билан «Алиф. Лаам. Мийм. Танзийлу...» - «Сажда» сурасини ўқи. Тўртинчи рақъатда «Фотиҳа» билан муфассалдаги «Таборақ» сурасини ўқи. Қачон ташаҳхуддан фориғ бўлсанг, Аллоҳга ҳамд айт ва Аллоҳга гўзал сано айт. Менга яхшилаб саловот айт. Бошқа набийларга ҳам. Мўминлар ва мўминалар ҳамда сендан олдин иймон билан ўтган биродарларинг учун истиффор айт. Ана ўшалардан сўнг «Аллоҳим! Мени боқий қолдирган чоғингда маъсиятларни доимо тарк қилиш ила раҳм қилгин. Мени ўзимга бефойда бўлган нарсага уринмаслик ила раҳм қилгин. Мени Сени мендан рози қиладиган яхши назар ила ризқлантиргин. Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Эй Аллоҳ! Эй Роҳман! Жалолинг ила, юзингнинг нури ила сўрайман! Қалбимга Китобингни Ўзинг менга ўргатганингдек ёд олишни лозим қилгин! Уни Сени мендан рози қиладиган тарзда тиловат қилиш ила ризқлантиргин.

Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Эй Аллоҳ! Эй Роҳман! Жалолинг ила, юзингнинг нури ила сўрайман! Китобинг ила кўзимни мунаввар қилгин. У билан тилимни равон қилгин. У билан қалбимни очгин. У билан кўксимни кенгайтиргин. У ила баданимга амал қилдиргин. Чунки ҳақда менга Сендан ўзга ёрдам бера олмас. Уни Сендан ўзга бера олмас. Аллоҳда бошқада куч ҳам, қувват ҳам йўқ», дегин.

Эй Абул Ҳасан! Буни уч ёки беш ёки етти Жумъа қилгин. Аллоҳнинг изни ила ижобат қилинурсан. Мени ҳақ ила юборган Зот ила қасамки, бу ҳеч бир мўминни четлаб ўтмаган», дедилар».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:

«Аллоҳга қасамки, беш ёки етти (Жумъа) ўтиши билан Али Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига худди аввалгига ўхшаш мажлисга келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Авваллари тўрт оят ёки шунинг атрофидагинани ёд олар эдим. Қачон уларни ўқийман десам, ёдимдан чиқиб қолар эди. Бугун эса қирқ ва унинг атрофдагини ёд олмоқдаман. Қачон уларни ўқисам, худди Аллоҳнинг Китоби кўзим олдида тургандек бўлади. Ҳадисни ҳам эшитар эдим. Агар қайтармоқчи бўлсам, ёдимга келмас эди. Бугун ҳадисларни эшитаман, агар уларни айтиб берсам бир ҳарфини ҳам қолдирмайман», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Мўминсан! Каъбанинг Робби ила қасам, эй Абул Ҳасан!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китоби)